

Ўзбекистон Республикасида
 Ўзбекистон Республикасида
 Ўзбекистон Республикасида

Обуна-93

Обуна-93

Обуна-93

Бў

ЎЗБЕКИСТОН

ГАЗЕТАНИМ

ТОНГ ЮЛДУЗИ

تازگی یولدوزی

ЎЗБЕКИСТОН
 БОЛАЛАРИ ВА ЎСМИРЛАРИНИНГ
 ГАЗЕТАСИ

1992 йил 19 август, чоршанба №34
 Баҳоси: 30 тиيين (6506)


Қадрли муштарийлар!
 Мана, минг ташвиш, хаеллар билан навбатдаги обуна мавсумини ҳам бошладик. Негаки, турли сарф-харажатларнинг ортиб кетиши бу йил ҳаммамизнинг кўнглимизни хира қилди. "Тонг юлдузи"нинг барча сонларини сизларга тўлиқ етказмадик, бунинг учун уэр. Хукуматимизнинг кўрсатган моддий ердами туфайлигина газетамизни

сақлаб қолдик. Энди эса келгуси йил ҳақида қайғуришимиз керак.
 Бугун мустақил давлатда яшаётганимиз ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Истиқлолни мустақамлаш, миллий бойлигимизни кўпайтириш, тинч-фаровон яшаб, дуне эътиборини қозониш каттаю кичикнинг муқаддас

бурчидир. Ишонамизки, азиз болалар, сизлар ҳам бу улғвор ишга ўз муносиб ҳиссангизни қўшасиз. Бозор иқтисодиети қонуниятларини ўргана бориб, билим, тажриба орттириб, уларни ўқишда, ишда, ҳаётда тадбиқ этасиз. Ишбилармон, тадбиркор, билимли бўлиб вояга етасиз. Бу йўлда сизга доимо "Тонг юлдузи" ҳамроҳ бўлади.

"Тонг юлдузи" — бу сизнинг газетангиз.
 У сизга ўқиш ва ишларингизда зарур бўлган барча ахборот ва янгиликларни етказиб беради.
 Мақола, шеър ва ҳикояларингизни чоп этади.
 Доимо дўст, маслаҳатчи ва ҳимоячи бўлади.
 Унга обуна бўлсангиз, ютқазмайсиз.

Ёз — "Тонг юлдузи" га обуна бўлиш учун айти қулай пайт. Қўлингизда ишлаб топган пулингиз бор. Фурсатни бой берманг!



ОБУНА НАРХИ:
 * 1 йилга — 96 сўм
 * 6 ойга — 48 сўм
 * 3 ойга — 24 сўм
 * 1 ойга — 8 сўм.

Нашр кўрсаткичимиз: 64563

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
 № **ТОНГ ЮЛДУЗИ** № **64563**
 (нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна соми

1993 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
 (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
 (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РўЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

		64563
п.в.	тойи	(нашр кўрсаткичи)

№ **ТОНГ ЮЛДУЗИ** №
 (нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна соми
янги маъ-вилга юбориш	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
 (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
 (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

«500000 СЎМЛИК БОЛА» ҲАҚИДА ИККИНЧИ БЕТДА ЎҚИЙСИЗ

Обуна - 93

ИШБИЛАРМОН БУЛАЙЛИК

Икки йилдан буён "Тонг юлдузи" ("Ленин учқуни")нинг муштарийсиман. Унинг саҳифаларидаги қизиқарли, баҳсга чорлайдиган, ўйлантирадиган мақолаларни ўқиб келаман. Яқинда эса отам "Бу йил газета-журналларнинг нархи жуда кўтарилиб кетибди-да" деб қолдилар. Бу эса менга кейинги йил "Тонг юлдузи" сиз қолиш хавфи борлигидан далолат берарди. Отам билан келишиб, ишга киришдим. Ҳовлимиздаги нок шигил мева солган экан. Уч кун ундан териб бозорга олиб чиқиб, сотдим. Савдом ёмон бўлмади: 600 сўм. Унинг бир қисмига ўзимга кийим-кечак олдим. Яна бир қисмига эса — катта хурсандчилик — "Тонг юлдузи"га 1993 йил учун обуна бўлдим. Бу иш ҳаммага маъқул бўлди. Ота-онамга моддий зарар етмади, менга катта маънавий фойда бўлди.

Мен обуна масаласида бироз қийналаётган тенгдош дўстларимга ҳам шундай маслаҳат бераман. Ҳали ҳам кеч эмас. Кўпчилигингиз бу йил у ёки бу иш билан шуғулландингиз. Ана шу пуддан албатта "Тонг юлдузи"га обуна бўлинг. Фойдасини кейинги йил кўрасиз.

Фахриддин ҚУРБОНОВ,

Андижон вилояти, Бўз тумани, Навоий жамоа ҳужалигидаги 2-мактаб ўқувчиси.

МУАММО ЙЎК

"Бекорчидан худо безор. Бўйинг дордай бўлибдию..." Таътил бошлангандан бир неча кун кейин оймларнинг айтган бу сўзлари юрак-юрагимдан ўтиб кетди. Синфдош дўстим Хафиз билан туманимиздаги тайёрлов бўлимига бордик. У ерда биз тайёр тахтачаларни михлаб яшиқлар ясай бошладик. Иш унча оғир эмас. Натижаси ҳам ёмон бўлмади. Энг муҳими биз ўз топган пулимиздан сеvimли газетамиз "Тонг юлдузи"га обуна бўлдик. Ҳадемай, дўстларимиз олдида кўндаланг бўладиган масала — обунага пул олиб келиш биз учун энди муаммо эмас.

Б. СОДИҚОВ,

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани.

БАҲОРНИНГ илик, гўзал кунларидан бирида Тошкентда хунук бир хабар тарқалди. Эмишки, алақандай кимсалар икки нафар ёш болани ўғирлаб кетиб, уларни ота-оналарига қайтариб бериш эвазига катта пул талаб қилишаётган эмиш. Ўшанда нима бўлган эди?

— Қачондир мана шундай уйқусиз, азобли кунларни бошимдан кечиранман, деб ўйламагандим, — дейди Турсуной опа. — Кўзимизга ҳеч нарса кўринмади. Фақат қизим Дилафрўзнинг соғ-саломат қайтишини ўйлардик...

... Ўша кунни одатдагидек қизчамизни мактабга дадаси олиб кетди. Дардан кейин уни олиб келиш менинг чекимга тушди. Шундай бўлса-да мактабга кетма-кет акаси ҳам етиб келди. Аммо Дилафрўзнинг икки соатдан бери мактабда йўқлиги, уни қидиришаётганини эшитиб, эсим чиқаёзди. Балки болалик қилиб ҳайвонот боғига кириб кетгандир, деб ҳам ўйладик. Лекин у ерда ҳам йўқ эди. Бир синфдоши кўрган экан: "Уни юзида холи бор бир хотин машинага ўтқазиб олиб кетди" деди.

Дилафрўзнинг сўзлари:

— Уйдагилар ҳеч қачон бегона кишиларни мени олиб кетишга юборишмасди. "Даданг сенга крассовка олган эканлар. Шунга ўлчаб кўрар экансан. Юр, кетдик", деб кўлимдан торта бошладилар у аёл. Унамасам ҳам машинага итариб юборди. Роса йиғладим. "Сизлар билан бормайман, мени қўйиб юборинглар", деб бақирдим. Машина ҳайдаб кетаётган киши: "Бақирма, йиғласанг ураман. Жим бўлсанг, конфет бераман", деди.

Машина Чилонзор мавзесидаги уйларнинг бири олдида тўхтади. Бу ерда уларнинг яна бир шериги яшарди. Таня исмли корейс аёл Турсуной опа ва унинг оила аъзолари учун ҳаяжон ва қўрқув билан ўтган беш кун мобайнида бировнинг дуру гавҳари — фарзандини уйда бекитиб ўтирди.

— Уйга жуда кетгим келарди, — дея эслайди Дилафрўз. — Уй эгасининг ик-кита кичкина болалари бор экан. Улар

билан ўйнаб юрдим. Уйни соғиниб айвонга чиқсам, ўша хотин шапатилаб урар, тез-тез ичкарига олиб кириб кетарди.

— Қорнинг оч қолмадимми?

— Йўқ, картошка, каша пишириб беришди. Барибир уларни егим келмади. Ойимлар пиширган овқатлар кўз олдимдан кетмасди. Уларнинг қидиришаётганини, оймларнинг йиғлаётганларини, дадамларнинг у ёғ-бу ёғ юриб, нима қилиш кераклигини ўйлаётганларини кўз



олдимга келтирардим.

Милиция ходимларига хабар берилганига қарамай беш кеча-кундуз давомида Дилафрўздан хабар бўлмади. Йиғилган қариндошлар ҳам, оила аъзолари ҳам бу вақт мобайнида мижжа қоқишмади. Уларнинг тахмини тўғри эди: қизчани пул талаб қилиш учун ўғирлашган. Шундай бўлса ҳам онаизор фарзандининг соғлигига зарар етишидан хавотирда эди.

Ниҳоят, телефон жиринглади-ю, қандайдир бўғик, хирилдоқ овоз Дилафрўзнинг соғ-саломат эканлигини айтиб, "500 000 сўм олиб келиб берсангиз қизингизни соғ-саломат қайтарамиз" деди.

Оила бошлигининг вазминлик билан олиб борган "музокара"ларидан кейин "нарх" бироз туширилди. Фарзанд

саломатлиги учун ота-она ҳамма нарсага рози эди...

Соат II га қадар пул йиғилди. Бола ўғрилари пулни Юнусобод мавзесидаги чекка бир мазорга келтиришни буюришган эди. Келишилган вақтда мазор четига машина келиб тўхтади. Ундан юзига қора ниқоб тутиб олган бир киши тушди. Ичкарида яна кимдир атрофни кузатиб ўтирар эди. Пул ўғриларга топширилди. Аммо Дилафрўзни шу кунга олиб келишмади. Эртасига қоронги тушар пайти ўзи уйга кириб келди.

— Жуда қалтис ҳаракат қилибсизлар-да. Худо кўрсатмасин, пулни олиб қизингизни қайтаришмаганда-чи? Ундан кўра милиция ходимлари билан борсангизлар бўлмасмиди? — сўраймиз Турсуной опадан.

— Бу ундан ҳам қалтис иш бўларди. Милиция аралашганини сезгач, қизимга зарар етказишларидан қўрқдим. Пулни олиб бориб берганда эса фақат худонинг



марҳаматига ишондик.

— Нима учун айнан сизнинг қизингизни ўғирлашган деб ўйлайсиз?

— Ким билади дейсиз. Кўпчилик "дадалари савдо ходими бўлгани учун" дейишади. Аммо савдо соҳасидаги ҳар бир кишини ҳам қаллоб деб ўйлаш тўғри эмас. Оиламизда тўрт фарзанд — икки қиз, икки ўғил бор. Уларни болаликларидан меҳнат қилишга ўргатганмиз. Ҳовли ишларидан ташқари узоқ йиллардан буён болалар дадалари билан асаларичилик билан шуғулланишади. Умуман олганда бойлик ўғрилиқ ортидан эмас, меҳнат орқали келишини яхши тушунишади.

Турсуной опа ҳақ гапни айтдилар. Аммо бу ҳақиқатни Дилафрўзни ота-онаси бағридан айирган, Абдуваҳобовлар оиласини беш кун хавотир азобида қийнаганлар жуда кеч тушунишди.

Биринчи марта қабиҳлик билан қўлга киритилган мўмай пул уларни тинч қўймади. Яна бир бор бу ишга қўл уришди. Бу сафар нопок йўл билан топилган даромад уларга хазм бўлмади. Дилафрўзни ўғирлаб кетишганда иш бошлаган милиция ходимлари Сайфулла Мусаев исмли болақайни ҳам олиб қочиб, унинг ота-онасидан 1 миллион сўм пул олишмоқчи бўлганда уларни қўлга туширдилар. Уч аёл, айтиб ўтиш керакки, уларнинг икки нафарининг фарзанди бор. 19 ёшдаги бир қиз ва балогатга етмаган бир ўсмирдан иборат гуруҳи фожия этилди. Бугун тергов ишлари давом этаётгани учун уларнинг исми-шарифларини келтира олмадик. Аммо улар тез кунлар ичида қонун олдида жавоб беришади.

БОЛАЛАР ҳақ-ҳуқуқлари, ҳаётларига ҳавф соладиган бундай ҳоллар кейинги пайтларда кўплаб содир этилмоқда. Шу сабабли ҳам бу хил жиноятларнинг олдини оладиган, болалар ҳаётини сақлашга хизмат қиладиган бир қанча ташкилот ва уюшмалар ташкил этиляпти. Милиция ходимлари ҳам бу соҳада жиддий иш олиб боришмоқда. Аммо галамис кишилар орамизда бор экан, биз ота-оналарни, болаларни бундай бахтсизликлардан эҳтиёт бўлишларига чақирамиз. Зеро, эҳтиёткор кишини худо асрайди!

Д. ТУРАХМЕТОВА,
Тошкент шахри.

ДИҚҚАТИ ДИҚҚАТИДИҚҚАТИ!

"Тонг Юлдузи"нинг
садоқатли муштарий-
ларига!

Агар сиз бошқа бир газета ва ойномаларда ўқимаган нарсалар ҳақида — сирли тушлар кўриб, уларнинг ростдан ҳам содир бўлаётганини гувоҳи бўлган наманганлик Сирожиддиннинг туркум мақолалари, ўғри ва киссовур болалар билан ертўлада бир ой бирга яшаган Нодирнинг ўз кечинмалари, томорқани чопиб чиқишда келиша олмай қолиб укасини нобуд қилган Зокир, дунёга келиб улгурмай етим қолаётган болаларнинг кейинги ҳаётлари ҳақида ўқишни истасангиз кечикмай "Тонг юлдузи"га 1993 йил учун обуна бўлинг.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда ҳагосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазилади.



— Қани, коптокни менга иргит, Қудрат, — дея овозининг борича бақирарди Камолитдин.

Шунда у коптокни яна ҳам зарба билан тепган эди, учиб бориб майдончадаги тол дарахти тепасига илиниб қолди.

— Эҳ-ҳе, энди коптокни қандай оламиз? — деб чуғурлашди болалар.

— Мен ўзим оламан, — дея Камолитдин дарахтга чиқа кетди. Энди коптокка қўли етай деганда беҳосдан оёғи тойиб кетди...

Камолитдинни тўғри 5-шаҳар болалар клиник касалхонасининг реанимация бўлимига етказдилар. Шифокорлар уни хушига келтургунча анча ҳаракат қилдилар. Ўз вақтида кўрсатилган ердам яхши натижа берди. Бир кеча реанимация бўлимида шифокорлар назоратида бўлиб, кейин Камолитдин травматология бўлимига етказилди.

ЮРАГИ МУЗЛАБ ҚОЛГАН ЭКАН

— Камолит, менинг энг суюкли, энг кичик 13-фарзандим, — дейди қаҳрамон она Умрихон опа Сангинова кўзларига ёш олиб. — Фарзандимни қайта ҳаётга қайтарган шифокорларга минг раҳмат дейман.

Кўпинча, реанимация сўзини эшитишимиз билан баданимиз жунжикиб кетади. Худди ичимизга совуқ бир илон кириб олгандай. Бу ерда ҳаёт билан ўлим ўртасида кураш кетади. Шифокорлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай бемор тепасида ана шу даҳшатли ўлим билан олишадилар. Қўлларидан келган барча имкониятларини сафарбар қиладилар.

— Ҳозирги кунда барча касалхоналарни дори-дармонлар билан таъминлаш анча сусайган, — дейди реанимация бўлими бошлиғи Михаил Мирошниченко. — Бу албатта, бозор-иктисодиёти шароитига келиб тақалади. Замонавий медицина анжомлари, асбоб-ускуналарини, дори-дармонларни сотиб олишимиз лозим. Касалхонанинг энг оғир бўлимларидан бири реанимация ҳисобланади. Ўрни келганда шунга айтиш лозимки, иложи бўлса, болаларни даволаш учун беминнат ўз ердамларини аямайдиган хомийлар топилса яхши бўларди. Айниқса, бизнинг бўлимига учун жуда ҳам лозимдир. Агар, шундай хомийлар топилса, бошимиз осмонга етган бўларди.

Реанимация бўлими 12 беморга мўлжалланган. Бу ерда ҳозирги кунга 440 дан ортиқ бемор 10 шифокор ердамида даволанди. Улардан Баҳодир Маҳмудов, Калинjar Станислав, Иноят Мирзабоева, Раъно Солиқова, Дилором Тошбекова каби жонкуяр шифокор-реаниматолог ва анестезиологлар фарзандларимизга қайтадан ҳаёт баҳшида қиладилар.

Айниқса, ҳозирги таътил кунларида реаниматологлар иши анча кўпайди. Таътил эмасми, болалар уйда елгиз, катталар назоратидан четда қолишмоқда.

— Яқинда, — деб гапини давом эттирди Михаил Мирошниченко, — бўлимига 4 яшар чамасидаги музлаб қолган болани олиб келишди. Қўлимиздан келган ердамни кўрсатдик. Лекин уни сақлаб қола олмадик. Нега десангиз, бизга жуда ҳам кеч мурожаат қилинган эди. Боланинг юраги музлаб қолган экан. Икки йилдан бери шу ерда ишлаётган бўлсам, бундай воқеа ҳаётимда энди учради.

Воқеа тафсилоти эса бундай: онаси ўглини отасига ташлаб, ишга кетади. Ўғли тўполон қилавери, отасининг жаҳлини чиқарган бўлса керак. Ичиб олган ота болани маст ҳолда музлатгичга тиқиб қўяди. Болакай эса чиқишдан кўриб музлаткичда ўтираверади...

Қани энди бир мўъжиза рўй берсаю ҳаётдан беғуноҳ кўз юмиб кетаётган гўдақларимизни кутқариб қола оلسак. Ахир, у дунёга келиб нимани кўрди?.. Минг афсуслар бўлсинки, ҳаёт гилдирагини айлантириш бизнинг қўлимизда эмас...

Нима бўлса ҳам шифокорларимиз бор бўлишсин. Бизга қайта ҳаёт бағишлаб, дардимизга малҳам бўлувчилар улардирлар.

Д. ТОИРОВА.

Кимда ким иқтисодий қийинчиликлар болаларнинг ёзги таътилда кўнгулли дам олишларига халақит берди, деса адашади. Рост-да, нафақат бир ой, ёзининг бошидан охиригача бу ерда болалар мириқиб дам олишди. Нафақат дам олишди — катталарга мева-чева йиғиштиришда ҳам кўмаклашишди, спорт, фойдали ишлар билан шугулланишди. Тошкент тумани раҳбарлари, жамоа ва давлат хўжалиги маъмуриятлари ўз ишчи ва ходимларининг фарзандларининг яхши дам олишлари учун ҳаракат қилдилар. Ушбу ҳаракатлар натижасида юзлаб болалар янги ўқув йилига янги куч билан киришадилар.

СУРАТЛАРДА: Тошкент туманининг энг сўлим жойида ташкил этилган "Ёшлик" соғломлаштириш оромгоҳи дам олувчилари Беҳзод Ҳайдаров, Махаммаджон Шайхутдинов ва Дилмурод Алимов тушликдаги мева шарбати учун олма теришяпти.

Оромгоҳда ёш спорт ишқибозлари ўзлари севган машғулотлар билан тинмай шугулланиб боришди. Нодир Илҳомов ва Абдусид Мирзаевни оромгоҳ каратислари дейишади.

Эрта тонгдан саёҳатга чиқишнинг гашти ўзгача.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

Вақтни қўл билан ушлаб, тўхтатиб бўлмайди, дейишади. Шундай. Мана, яқиндагина таътилга чиқдик, деб хурсанд бўлган бўлсак, яна бир неча кунлардан кейин янги ўқув йили бошланади. Мактабга тайергарлик кўраимиз. Янги қалам, дафтарлар, кийим-кечаклар сотиб оламиз. Бу ишда барчамизга, айниқса, ота-оналарга август ойида ташкил этиладиган мактаб бозорлари жуда қўл келади. Хўш, бундай бозорларнинг бу йил аҳволи қандай? Бизнинг бу саволимизга Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг бўлим мудири Л. А. АБДУЛЛАЕВА қуйидагича жавоб берди:

— Шу йилнинг 27 июль кунини "Ўзбекбравлашув", Ўзбекистон Савдо ва Халқ таълими вазирликлари ушбу масалани

биргаликда кўриб чиқишди ва ўтган йили тикилган кийимлар керакли чораларни бўлгани сабаб 50 фоиз ту- белгилашди. Унга кўра, ширилган нархдадир.

жумҳуриятимизнинг барча Юқорида айтиб ўтилган аҳоли кўп бўлган жойларида, ташкилотлар номидан биз катта дўконларда ва имкони барча вилоятларга хат бор бўлган мактаблар қошида жўнатганмиз. Унда мактаб шу йилнинг 10 августидан бозорлари фаолиятини бошлаб мактаб бозорлари яхшилаш ҳақида кўрсатма ташкил этилди. Ҳозирги кунга бериш билан бирга ҳар бир

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛГАН

қадар барча савдо вилоят савдо ташкилотлари ўз тармоқларида мактаб имконларига қараб кам бозорларини керакли даромадли, кўп болали маҳсулотлар билан тўлдириш оилаларга ўқув қуроллари учун чоралар кўрилган. сотиб олишда кўмаклашишлари

Ота-оналарни мактаб ҳақида ҳам айтиб ўтилди. формаси ва унинг баҳоси Д. ТУРАХМЕТОВА ёзиб олди. қандай бўлиши қизиқтираётган СУРАТДА: пойтахтдаги

бўлса керак. "Болалар дунёси" Бош дўкони бу Аввал бу янги ўқув йилидан кунларда ҳар доимгидек гавжум. янги мактаб формаси ишлаб Дўконда ташкил этилган мактаб чиқилади, деб хабар берилган бозорида харидорлар янги ўқув эди. Афсуски, бу ишни йилига зарур бўлган ўқув яқунлашнинг имкони бўлмади. қуроллари ва ўқувчилар Ҳеч қайси тикув фабрикаси бу формаларини сотиб олишмоқда. йил мактаб формалари Харидорлар кўнглини олишга, тикмади. Шу сабаб бу йил ҳам уларга керакли нарсаларни топиб ўқувчиларимиз ўтган йилдаги беришга кўмаклашаётган сотувчи формаларини кийишади. Ойша опа Иминованинг қўли- Мактаб бозорларида ҳам худди қўлига тегмаяпти. шу формалар сотилади. Булар Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.



ЎҚИТУВЧИЛАРИНГИЗ ИЖОДИДАН

ТАРАФКАШ

Тараф бўлсам
Хошимга.
Мушт ёғилди
Бошимга.
Кочиб қолди
Хошим-а.
Эсизгина
Бошим-а.

Худойберди КОМИЛОВ,
Ургут туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси.

ДИЛШОДАНИНГ ШАРТИ

Қалдиргоч дер вижирлаб:
— Эшигингни оч, ўртоқ.
Уйнинг шифтида яшаб,
Сайраб бераман ҳар чок.
Дилшода дер: — Марҳобо,
Бирга яшайлик майли.
Лекин битта шартим бор,
Ташлаб кетма қиш фасли.

НИНАЧИ

— Мендан нина сўрама,
Биттагина нинам бор.
Боғу чорбоғ, гулзорда
Юмушим кўп, бир қатор.
Мана, ўрик япроғин
Ҳакка талаб қочипти.
Гулларин сўриб-сўриб
Болари ниш санчибди.
Булбул холам оёғи
Бодом гулин титибди.
Гилос баргин чумчуқлар
Парча-парча этибди.
Нор қайсарнинг
қилмиши
Роса жонимга теккан.
Капалакни қувиб у
Гўшамни пайхон этган.
Кўйилган боғ-чорбоғнинг
Ишимнинг йўқ адоғи
Ҳар япроқда топилар
Тиқишга бир ямоғи.
Тиқиб-ямаб юраман,
Мен гулларга бериб зеб.
Бежиз мени мактамас
Гулзордаги чевар, деб.

Мухтор РАЗЗОҚОВ,

Бухоро вилояти, Қорақўл туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси.

Уйқусиз, оромсиз тонларни кутдим,
Сўзларга юқиндим, шеърга юқиндим.
Минг бор хавотир-ла, сизларга тутдим,
Умид уйғотолса — омад кулгани.
Умрим қозғаларда шамдайин эрир,
Ташбехлар ортидан нигоҳим дайди.
Ўқиб йиғламасдан кулсангиз, китмир
Бир нафас яшаймай шеърим ўлгани.
Бу йўлга кирдим, қолгайми изим,
Ўзи мадакору ҳам берсин тўзим.
Боқмаса бир кўнгил, минг куйса бўғзим,
Шоирлигим елгон, шеъримга ўлим!

БОЙЧЕЧАК

Чиқибди
Хабарчи
Баҳорнинг
Элчиси Бойчечак.
— Элчига
Суюнчи
Не берсак???


— Суюнчи
Хаёлда ёзилган бир эртақ
Бир гўзал, бир сирли, бу чўпчак...

Тиркаш ЭШЕВ,

Шаҳрисабз туманидаги 39-мактаб ўқитувчиси.



Ёзувчи Ўктам Ҳакимали ўқувчилар даврасида.



Қиш оролнинг соҳилларига жанубий шамоллар билан баробар келарди. Қарагайлар билан бирлашиб кетган мевали улкан дарахтли оролнинг жанубий томонида ҳеч бир уй йўқ. Катта-катта кўрқинчли қоялар, галати кушлар ва тубсиз жарликлар бор эди, холос. Шайтонлар қоясининг устидан жануб шамолни ўтиши билан, оролни шимол тарафидаги уйларда тинч бир ҳаёт бошланарди. Кўчманчилар бўшаган ванналари кўчириб олинган кўшлар жаҳлдор ва ҳаётсиздай турарди. Кичик қайиқчалар ҳар ер-ҳар ерга тортиб ерга чиқариб қўйилган. Бу пайт балиқ овлаш мавсумидан даракчи эди. Каттакон гиргир қайиқларда йирик йирткич балиқларни, ола бугуларни қидириб, оролни атрофида кун бўйи айланаб юришарди. Оролга эса пул, марка, бир-икки кило гўшт келтиришарди. Ўша йили қиш нақадар гўзал бўлишига қарамай, балиқ ҳар қачонгидан оз тутилди.

Стелянос эрталабдан бери чапарини² ҳозирларди. Таъмир қилган тўрлар кўп еридан йиртилган, ёзда ҳозирлаган қармоқлар чиқиб кетган, қайиқнинг буюқлари тўкилиб битганди.

Трифон қиш бошланганда мазаси қочиб қолди. Қишлоқда даволаниш пуллик, шаҳарга тушиш ундан оғир эди. Трифон тўғриси мактабга бормаса-да, ўзига яраша хизмат қилиб, китоб-дафтарга анчагина пул йиғиб қўйганди. Стелянос эртага балиқ овига

жонивор бўлишини, унинг боласи йигирма-йигирма беш кило оғирлиқда бўлади деб эшитгандик. Булар таҳлика вужудга келганда болаларини ютиб юборар эканлар. Таҳлика ўтиб кетгач, қайтадан қусиб ташларканлар. Пахта балиғини ўша оқшом Рустам Човуш тутиб олганди. Бизлар эса, унинг атрофини ўраб олгандик. Ҳақиқатан ҳам пахтага ўхшаш оппоқ бир махлуқ эди. Фақат оғзининг ўзи мана шу эшик қадар келади. Тишлари йўқ. Рустам Човуш балиқнинг қорнига пичоғини санчди. Ичидан тўртта тирик боласини олди. Кўп ўтмай денгиз тўполон бўлиб кетди. Унинг шерикларими, билмадим, қайиқларимизга ҳужум қилиб қолишди, ҳар еқ томондан. Ўша кеча бирон воқеа содир бўлмасин деб, жуфтакни ростладик. Кейинги кунларнинг бирида...

Ҳикоялар бир-бирини таъқиб этарди. Трифон мубҳам бир кўркув ичида ухлайверарди.

Қиш чўзилса чўзилсин соғ тупроқ билан шувалган юқоридаги икки хонали кичик бир уйнинг соҳиби бўлган Стелянос Хрисопулос пастдаги зинали ер тўлага ўхшаш пастаккина бир хонада тўқш билан машғул эди. Жажжигина хонанинг шипи одамнинг бўйи тегадиган даражада бўлишга қарамай, одамни эгилишга мажбур қилса-да, ним қоронги бўлган осуда жой эди; бу ерда худди черковнинг олдига келиб қоғандай, еки денгиз қирғоқларида балиқ

Саид ФОИҚ

СТЕЛЯНОС ХРИСОПУЛОС ЖЕМАСИ

ҲИКОЯ

кетмоқчи эди. Чапаридаги курканинг патларини тузатишга киришди. Чирий бошлаган мисиналарни олиб ташлаб, янгисини қўйди, занглаган игналарни ўзгартирди.

Бир мўл-кўл балиқ бўлсада, эвазига шаҳарга тушиб бироз керосин, озгина шакар, Трифонга битта шим, бир жун нимча, ўзига бир кепка олган бўларди. Уйнинг ичини ҳам тузатиб Трифонга бир кичик совга келтирсайди. Денгизчилар ҳақида ҳикоя қилувчи китоб сотиб олсайди. Бир каттакон кеманинг расмини топиб, Трифоннинг жажжигина ётоқхонасига осиб қўйсайди. Стелянос балиқ овига оқшом пайт чиқди. Кечанинг ким билади қайси соатида қайти. Бу пайт Трифон бувасини кута-кута ухлаб қолганди, туш кўриб ётарди.

Бир қоянинг олдига бир кема бор эди. Трифон кеманинг ичидамиди ёки қоянинг устидамиди? Дахшатли бир тўлқин ҳар сония кемани у буюк қояга чирпирак қилмоқчи бўлгандай яқинлашиб келар, сўнгра қандай бўлгани номаълум тўлқин кемага келиб етди. Ҳар он у қоя билан кема орасида бир икки кулочлик масофа борган сари камайиб боргани ҳолда, негадир масофа камаймасди ҳам, ортмасди ҳам. Мана шу туш давом этиб турган маҳалда, Стелянос ичкарига кираркан, гуп этиб хонанинг ичини шамол қамради. Деворга ёпиштирилган бир-икки расм учиб тушди. Тўр пардалар ҳаволанди.

— Ухлаб ётганмидинг, Трифон?

— Ухлаб ётгандим... Балиқ борми, бува?

— Йўқ... Денгиз худди бўм-бўшдай.

— Нега энди, ажабо?

— Чиндан ҳам жонивор пайдо бўлган, Трифон.

Бўлмаса, шу пайтда балиқ бўлмайди?

— Бува... ўша жониворни кўрганмисиз? Стелянос жониворни кўрган кўрмаганини ўз-ўзидан сўраган чоғида ўйланаб қоларди. Бошқалар сўраса борми, шундай ҳикояларни қалаштириб ташлардики...

Бирок бу кўрқинчли воқеанинг кўпини ичидан тўқиб айтарди. Зотан, денгиздай нақадар мажхул нарса борми бу дунёда? Ким билади, балки қармоқлар, тўрлар этиб бормаган жойларда ўзи ширин бўлмаса ҳам, ниҳоятда гўзал балиқлар, уришқоқ, ваҳший бўлмаган, мутлақо хаёлга келмайдиган ажойиб жониворлар бордир.

— Кўрдим, Трифон. Бир қишда Олабуга овига чиққандик.

Нишонда пахта балиғи деб юритиладиган бир

тўрларининг орасида юргандай, ёхуд қайиқнинг ичига тушиб олган, туширган расмини дарров чиқариб берадиган фотоафларнинг ҳолатини эслатадиган жойга ўхшарди. Чунки деворларга турли-туман расмлар осилган эди. Расмларнинг орасида Хрисопулос оиласининг қиролича қиёфасидаги катта қизини қайиқ ҳайдаб кетаётгандаги, кичик Трифоннинг оппоқ тишларини ярақлатиб, иршайиб турган расмлари бор эди. Шу боисданми, бутун чиркинликларга қарамай, мана шу ним қоронгу жойни севарди. Хрисопулос оиласи, бошқа аъзолари ўлиб кетган, бор-йўғи икки киши қолган бўлишига қарамай, ниҳоятда гўзал бир оила эди. Уларни оралаган, кўзлари тийрак бола Трифоннинг жуда нозик ва санъаткорона ишлаган неча кунлар давомида ясаган ажойиб бир қайиқчиси, столга солинган чети жимжимадор тўр билан тикланг дастурхоннинг устида буюқлари тўқила бошлаган жажжи бир роқи солинадиган графиннинг ёнида турарди. Қайиқчанинг ёнида эса Стеляноснинг кичик қизи ва Трифоннинг онаси Евананинг ўгли билан бирга бўй баравар тушган расм бор эди. Евананинг ўлганига тўрт йил бўлганди. Трифон ҳозир ўн икки ёшда эди. Саккизга кирган Трифоннинг расми, столнинг устидаги қайиқча янги тўқилган тўрлар билан биргаликда ўша йили, онасининг ўлган йили чиқарилган эди. Бу расм ўн ешли бир боланинг бўйи етмайдиган ерга осиб қўйилганди.

Стелянос Хрисопулоснинг энг диққатли ери бўйи эди. Ҳеч кимсанинг бўйи, бу балиқчининг калласи билан вужуди орасида юксалган бир гариб устун қадр қаттиқ, тик, офтобда қорайган, ниҳоятда чайир ва қадоқсиз бўлмас.

1) гиргир-йирик йирткич балиқлар ва олабугилар учун соҳилларга келадиган бир моторли, ўн-ўн беш кишилик, икки эшакли қайиқ. 2) чапарни — ем ўрнига курканинг пати бойланган ўн-ўн беш ва ундан ҳам кўпроқ игна тизма қармоқ. 3) мисина-ипак ва ё ичкадан уд толига ўхшаш бир нарсадир. Игналар тўғридан тўғри қармоқ толасига боғланмасдан мана шу оппоқ нарсага боғланади. 4) Нишон — денгизнинг ўртасидаги балиқлар бўладиган ерга қўйиладиган белги.

(Давоми келгуси сонда).

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир хайъати:

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ,

А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА,

Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ [масъул котиб].

Таъсис этувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг чоршанба
ва шанба кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-
матбаачилик концернининг босмахонаси.

Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.

Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.

